# ДЎСТ БОШИГА КУЛФАТ ТУШГАНДА

### АРМАНИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИ РЕСПУБЛИКА ҚОМИТЕТИНИНГ СОВЕТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИ ҚОМИТЕТИГА ВА МАМЛАКАТДАГИ ХОТИН-ҚИЗЛАР КЕНГАШЛАРИГА

## МУРОЖААТИ

Халқимиз учун оғир ташвиш, ғам-алам ва жафога тўла шу қайғули кунларда, ҳеч ким ва ҳеч нарса далда бера олмайдигандек, дилимиз ярасига малҳам топилмайдигандек туюлган дамларда сизларнинг самимий овозингиз етиб келди. Республика хотин-қизлар кенгашларига мамлакатимизнинг барча регионларидан ва чет эллардан телеграммалар тўхтовсиз келиб турибди. Сизларнинг ҳамдардлигингиз, бошимизга тушган ғам-ғуссаларга шерик бўлишга тайёрлигингиз Арманистон хотин-қизларида, бутун халқимизда миннатдорчилик туйғуларини уйғотмоқда.

Биз, Арманистон хотин-қизлари мислсиз жудоликлар уқубатини енгиб, қадрдон ва азиз одамларимизни дафн этишга улгурмай туриб, даҳшатли зилзила оқибатларини тезроқ бартараф этиш йўлларини топишга уринаётган кишиларнинг сафларига мардона қўшилдик. Хотин-қизлар кенгашлари штабларида телефон қўнғироқлари тинмаяпти. Минг-минглаб хотин-қизлар ўзларига иш кўрсатиб беришни қатъий талаб қилмоқдалар, болаларни ўз тарбияларига олишни сўрамоқдалар, жабрдийдаларни ўз хонадонларига қабул қилишга тайёр эканликларини айтмоқдалар.

Арманистондаги барча меҳнат коллективлари каби асосан хотин-қизлардан иборат ташкилотлар дам олиш кунлари ҳам меҳнат қилиб, ишлаб топган пулларини 700412-счётга ўтказмоқдалар. Республика медицина ходимлари фидокорона ишламоқдалар, уларнинг орасида хотин-қизлар 60 процентдан кўпроқдир.

Шу оғир дақиқаларда ўзларини катталар каби ҳис эта бошлаган болаларимиз — ёш ишчилар, студентлар, юқори синфларнинг ўқувчилари кун сайин шаҳарлардаги вайроналарда машаққатли шароитда ишламоқдалар. Уларнинг кучи, фидойилиги мамлакатимиздаги, бутун сайёрамиздаги эзгу ниятли одамларнинг беғараз ёрдами билан қўшилиб, вайрон бўлган Ленинакан, Кировакан, Спитак ва Степанаван шаҳарлари култепалар орасидан яна қад кўтаришига, тарихимизда кўп марта бўлгани каби, умид бағишламоқда.

**АРМАНИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ**

## ҲАМДАРДЛИК

Арманистонлик биродарларимиз бошига тушган оғир мусибатдан мамлакатимиз барча халқлари қайғу чекмоқдалар. Фожиадан хабар топган кундан бошлабоқ ҳар ким баҳоли қудрат дўстларимизга ёрдам беришга интилмоқда.

Мамлакатимизда мотам эълон қилинган куни совхозимиз меҳнаткашлари зилзиладан жафо чеккан қардошларимизга ҳамдардлик изҳор этиб, 700412-счётга 4 минг сўм пул ўтказишга қарор қилдилар. Бундан ташқари бир кунлик иш ҳақимизни ҳам ёрдам фондига бермоқчимиз.

Имкониятларимиз чегаралanganига қарамай уй-жойсиз қолган ўнта арман оиласини ўз қарамоғимизга олишга аҳд қилдик. Албатта, Мирзачўл билан тоғли арман ўлкасини тенглаштириш қийин. Аммо бутун қалб қўримизни бахшида этиб, қўлимиздан келган ҳамма чораларни кўрамиз. Қардошлар учун чўлқуварлар хонадони эшиги ҳамиша очиқ.

**Х. ҲАКИМОВ,**
**Янгиер районидаги «Мирзачўл» совхози директори.**

## БИЗ ҲАМ БИРГАМИЗ

Кучли зилзила оқибатида қардош арман халқи бошига тушган мусибат сурхондарёликларни ҳам чуқур қайғуга солди. Ўртадаги масофа қанчалик йироқ бўлмасин, қалблар қалбларга туташ. Зотан бизнинг кўпмиллатли Советлар диёримизда —барча қон-қардош бўлиб яшаётган тупроқда қувонч ҳам , қайғу ҳам бегона эмас. Ушбу дўстлик, биродарлик бугунги кунда катта синовдан ўтмоқда. Халқ депутатлари область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари В. Глушанов бошчилигидаги область штаби куну тун ишламоқда. Жойлардан бўлаётган телефон қўнғироқлари бир зум ҳам тинмаяпти.

Биз Термиз районидаги «Термиз» совхози бухгалтери Искандар Қувондиқовни ана шу жойда учратдик. Миллати ўзбек. Йигирма саккиз ёшда. КПСС аъзолигига кандидатлик муддати бугун тугабди. Энди ҳақиқий аъзоликка ўтиши керак. У икки йиллик меҳнат отпускасини зилзила рўй берган шаҳарлардан бирида ўтказишга аҳд қилибди.

— Касби бухгалтерлик, қурилишда қандай нафи тегиши мумкин деб ўйламанг — дейди Искандар. — Ғишт териш, дурадгорлик, оқлаш, бўяш қўлимдан келади. Поездга билет олдим. Бугун жўнаб кетаман. Турмуш ўртоғим Гулнюра (у «Намуна» колхозида медицина ҳамшираси бўлиб ишлайди) ҳам мени қўллаб-қувватлади.

— Биз Гагарин районидаги «Советобод» совхозида истиқомат қиламиз, — дейди Гулбаҳор Бўтаева. — Онам Владимир Жонибеков номли мактабда ўқитувчи. Оилада уч опа-сингилмиз. Ўзим совхоздаги «Сурхон тароналари» ашула ва рақс ансамблининг бадиий раҳбари бўлиб ишлайман. Оила аъзоларимиз маслаҳатлашиб, ота-онасиз қолган арманистонлик болалардан бирини ўз тарбиямизга олишга қарор қилдик. Уй шароитимиз яхши.

Термиз районидаги «Жайронхона» шифохонаси бошланғич партия ташкилоти секретарининг ўринбосари Абдусалом Бурҳоновнинг ҳаяжонли суҳбати эътиборимизни тортди.

— Машъум воқеадан хабар топган беморларимиз 1.328 сўм пул тўплашибди. Ҳар бир бўлимда алоҳида-алоҳида йиғилишлар ўтказилиб, шифокорларимиз қардош халқ билан ҳамдард эканликларини изҳор этдилар.

Денов шаҳридаги С. Раҳимов кўчасида истиқомат қилувчи пенсионер Жабборова тўрт яшар невараси Насиянинг қўлига 10 сўм пулни тутқазиб одамларга мурожаат этганида Ленин йўли районидаги Будённий номли совхоз бригада бошлиғи Бўри Нормуродов, Термиз районидан Абдуқаҳҳор Рустамовлар ҳам шу заҳотиёқ ёнларидаги бор пулларини ўртага ташладилар.

2510-автокорхона, Термиз дарё порти, темир йўл станцияси ишчи-хизматчилари, «Ленин байроғи» область газетаси редакцияси коллективи ва бошқа ўнлаб ташкилотлар, корхоналар бир кунлик иш ҳақларини ёрдам фондига ўтказишга қарор қилдилар.

Арманистондаги зилзила ҳаммани оёққа турғазди. Фақат катталаргина эмас, мактаб ўқувчилари ҳам қайғуришмоқда. Ушбу сатрларни ёзаётганимда телефон жиринглаб қолди: «Бойсун район комсомол комитетининг биринчи секретари Тўраев бўламан. Арман халқи бошига тушган мусибатга бойсунлик йигит-қизлар ҳам чуқур ҳамдардлик билдирмоқдалар. Бу хайрли ишдан ҳатто пионерларимиз ҳам четда қолишмаяпти. Бугун эрталаб А. Набиев номли мактабнинг 4-синф ўқувчиси Муродали Шукуров қўлида 6 сўм пул билан иш жойимга кириб келди».

Ҳа, арман халқи кулфатидан бугун ҳамма ташвишда. Ҳар ким қўлидан келганича ёрдам бериш, ҳамдардлик билдиришга ошиқади. Областимиз бўйича 700412-счётга келиб тушаётган пул салмоғи кундан-кун ортиб бораяпти.

**Б. КЕНЖАБОЕВ,**
**«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.**

## МАДАД

**2-Наманганоблагропромстрой бирлашмасининг қурувчилар бригадалари зилзиладан вайрон бўлган районларни тиклаш ишларида қатнашиш учун қардош Арманистонга жўнаб кетди. «Наманганводстрой» трестининг 1-қурилиш-монтаж бошқармаси коллективи жабрдийдаларга 125 та кўрпа-тўшак жўнатди.**

**Область меҳнат коллективлари ёрдам фондига 1,3 миллион сўмдан кўпроқ пул ўтказдилар. Улар бу маблағларни зарбдор меҳнат вахталарида ишлаб топишган. Гражданларнинг шахсий жамғармаларидан юз минг сўмга яқин пул тушди.**

●

**Қўқон ёғ-мой комбинати коллективи киши организми кучини тиклашда зўр восита ҳисобланган олий навли шафтоли мойи солинган бир неча катта идишни Арманистонга жўнатди. 700412-счётга комбинат ходимларининг бир кунлик иш ҳақи — 4 минг сўм пул ўтказилди.**

●

**«Энг аввало техника зарур» — республика давлат сув хўжалик қурилиши комитети «Ташкентводстрой» қурилиш-монтаж ишлаб чиқариш бошқармасида ана шу даъватга лаббай деб жавоб бердилар. Бу ерда иккита кучли экскаватор ва иккита кучли бульдозерни транспорт самолётига ортиб, зудлик билан Арманистонга жўнатдилар. Офат рўй берган районга техника билан бирга энг тажрибали механизаторлардан 8 киши учиб кетди. Улар машиналарнинг икки сменада ишлатилишини таъминлайдилар.**

(ЎзТАГ).

**САМАРҚАНД ОБЛАСТИ. Қардош арман халқи бошига тушган оғир мусибат самарқандликларни ҳам чуқур қайғуга солди. Областдаги барча меҳнат коллективлари, алоҳида оилалар, партия, совет, жамоат ташкилотлари қардошларимизга ёрдам қўлларини чўзмоқдалар. Айниқса область қон қуйиш станциясига келаётган кўнгиллилар сони кун сайин ортиб бормоқда. Қисқа вақт ичида бу ердан Арманистонга 900 литр қон юборилди.**



**СУРАТДА: станция врачи Гулсара Маматқулова иш пайтида.**

Р. ҒОФУРОВ фотоси.
(ЎзТАГ).

## ЯГОНА ОИЛА ТУЙҒУСИ

**Арман дўстларимиз бошига тушган мусибат узоқ-яқин барча халқларнинг қалбига ларза солди. Ўша куниёқ бутун мамлакат, шу жумладан районимиз меҳнаткашлари ҳам оёққа туришди. Шундай оғир дамларда ҳеч ким қўл қовуштириб ўтиришни ўзига эп кўрмай ёрдамга ошиқар, нима билан бўлса-да кулфатни енгиллаштириш ҳақида ўйларди. Кетма-кет жиринглаётган қўнғироқлар, илтимослар, ташаббуслар буюк ҳамдардлик туйғусидан, муҳими — инсонпарварлик ва биродарлик совет кишиларининг маънавий эҳтиёжига айланганидан шаҳодат берарди.**

**Нишон ва Толимаржон шаҳарларидаги поликлиникаларда қон топшириш йўлга қўйилди. Уч кун ичида 10 литрдан зиёд қон область станциясига жўнатилди. Ташкилотлар, корхоналар ва хўжаликларда бўлиб ўтаётган оммавий митингларда ҳашарлар уюштириш, ёрдам фондига пул ўтказиш, зарур бўлган тақдирда Арманистон шаҳар ва қишлоқларига қурувчилар юбориш ташаббуси маъқулланди. Бунга жавобан Толимаржон ГРЭСи бунёдкорларидан 25 кишилик бригада тузилди.**

**Омонат кассалар ҳамда банклардаги 700412-счётга ташкилотлардан, одамлардан пул келиб турибди. Ҳозирга қадар 100 минг сўмдан ортиқ маблағ жамғарилди. 17 декабрь куни Толимаржон ГРЭСи қурувчилари шанбалик уюштириб, ундан тушган 15 минг сўмни ана шу фондга ўтказдилар.**

**Меҳнаткашларнинг Арманистонга берадиган ёрдами билан боғлиқ барча масалалар халқ депутатлари район Совети ижроия комитети қошидаги штаб томонидан оператив тарзда ҳал қилинмоқда.**

**Бизнинг дўстлигимиз курашларда туғилиб, давр синовидан ўтиб метиндек мустаҳкамланган. Бу дўстликка ҳамиша содиқмиз: шодликда ҳам, кулфатда ҳам ягона оила сифатида бирга яшайверамиз.**

Ҳ. ФАРМОНОВ,
Нишон район партия комитетининг биринчи секретари.

## УЙИМИЗНИНГ ТЎРИ СИЗНИКИ

Қардош арман халқи бошига тушган кулфат хоразмликларни ҳам чуқур изтиробга солди. Ҳозир воҳа колхоз ва совхозларида, муассаса ва корхоналарида Арманистон ССР учун ёрдам фондига маблағлар ўтказилмоқда.

Хоразм область партия комитети қошидаги арман дўстларга ёрдам кўрсатиш штабига хабарлар тинимсиз келиб турибди, Урганч уйсозлик комбинати, Хоразм тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективлари бир кунлик иш ҳақларини 700412-счётга ўтказишди. Урганч авиакорхонаси меҳнаткашлари эса 5 минг сўмлик ёрдам кўрсатишга қарор қилдилар. «Хорезмоблагропромстрой» бирлашмаси коллективи эса 24 минг сўмлик мукофот пулини қардошларга юбордилар.

Воҳаликлар қурилиш материаллари ҳам жўнатмоқдалар. 9 декабрь куни Урганч темир йўл станциясида силикат ғишт юкланган дастлабки эшелон Ленинакан шаҳрига қараб йўлга чиқди.

Хоразмликлар , ота-онасиз қолган болаларни асраш, бошпанасиз оилаларга жой бериш истагини билдириб, штабга мурожаат қилмоқдалар. Ҳозир областда 250 болани қабул қилишга тайёргарлик кўриб қўйилди. Хонқа районидаги Николаев номли ва Улуғбек номли мактабларнинг ўқитувчилари Бобожон Бегматов, Ражаббой Қурёзов болаларни олиш истагини биринчи бўлиб билдирдилар.

Область соғлиқни сақлаш бўлимида бўлиб ўтган кенгашда қабул қилинган қарорга биноан область шифохоналарида 500 га яқин ўрин тайёрлаб қўйилди.

Р. ҲУСАИНОВ.

*Озиқ-овқат программаси бугунлари*



**Қашқадарё область Яккабоғ районидаги «Яккабоғ» совхозида сут таомлари ошхонаси ишлаб турибди. Бу ердан ҳар куни болалар боғчаси тарбияланувчиларига 45 литр сут бепул тарқатилмоқда.**

**СУРАТДА: ошхона мудири Турсуной Эргашева ва ошпаз Зулайхо Юсупова иш устида.**

Н. МУҲАММАДЖОНОВ фотоси.

## АСАЛ ЭКСПОРТ ҚИЛИНМОҚДА

**Андижонлик кооператорлар Германия Федератив Республикасига икки юз тоннадан ортиқ хушбўй тоғ асали юбордилар. Шундай қилиб, Центросоюзнинг савдо соҳасидаги хорижий шерикларининг буюртмаси бажарилди. Улар маҳсулотни татиб кўриб сифатига баҳо берганларидан сўнг, шу ерлик асаларичиларнинг асалини танлаган эдилар. Андижонликлар эса эвазига Ғарбий Германия фирмалари тамғаси туширилган кийимлар, пойафзал ва бошқа буюмларни оладилар.**

**Экспортга жўнатилган асалнинг кўп қисми Пахтаобод ва Хўжаобод районларидаги иккита янги асал қуйиш цехида қадоқланган. Бу ерда энг яхши қадоқлаш автоматлари ўрнатилган, харидорларга қулай бўлиши учун маҳсулотлар ҳар хил ҳажмдаги идишларда қадоқланмоқда. Лабораторияда маҳсулот сифати текширилади, электроника эса маҳсулотнинг идишларга қай даражада пухта жойлаштирилганлигини назорат қилади. Ҳар бир цех йилига минг тонна қадоқланган маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.**

**Тоғолди зонасида ишлаётган асаларичилар ҳам наф кўрмоқдалар. Тайёрловчилар улардан бевосита асалари уялари олдида маҳсулотларни қабул қилиб олишмоқда, шу ернинг ўзида ҳар килограмм асал учун тўрт сўмдан ҳақ тўлаб, ҳисоб-китоб қилмоқдалар. Бундан ташқари, кооператорлар асаларичиларни барча асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминламоқдалар, уларга зарур методик ва амалий ёрдам бермоқдалар.**

## БАТАТ — ШИРИН КАРТОШКА

Ёзнинг сўнгги кунлари эди. Гулистон шаҳрида истиқомат қиладиган танишимиз хонадонига ташриф буюрдик. Бундан хурсанд бўлган мезбон: «Дастурхон ёзилгунча сизларни ғаройиб экин билан таништирсам, ахир журналистлар янгиликка ўч бўлишади-ку», деб қолди. Биз бажонидил рози бўлдик.

Биргалашиб томорқага чиқдик. Мезбон кўм-кўк бўлиб ўсаётган экинга ишора қилди-да, изоҳга ўтди:

— Ҳойнаҳой, бунақангисини учратмаган бўлсалар ингиз керак. Бир қарашда картошкага ўхшаб кетади-ю, лекин бутунлай бошқа экин. Номи — батат, мўъжизанинг ўзгинаси. Илдизмевали, ҳосилдор экин. Ўзбекистоннинг ер ва иқлим шароитига жуда мос.

У эринмасдан экиннинг икки-уч тупини кавлади-да, илдиз мевасидан шу заҳотиёқ таом тайёрлаттирди. Сариёққа қовурилиб дастурхонга тортилган таом мазалилиги билан ажралиб турарди.

Ўша таом таъми ҳамон оғзимизда. Ўз-ўзидан савол туғилади: бататни республикамизда кўпайтириш нега мумкин эмас?

Аниқланишича, бататнинг асли ватани тропик ва субтропик мамлакатлар бўлсада, Ўрта Осиё шароитида, жумладан Ўзбекистонда ўзини яхши «ҳис» қиладиган, кўп йиллик иссиқсевар ўсимлик. Суғорма деҳқончиликда, айниқса енгил қумлоқ тупроқда батат гектарига 30—40 тоннагача ҳосил беради. Энг муҳими, картошка ўрнида истеъмол қилиниши мумкин. Картошка тақчиллиги сезилаётган ҳозирги вақтда унинг озиқ-овқат рационидаги ўрни катта.

Палаги сербарг бўлиб, чорва молларини боқишда тўйимли озуқа сифатида фойдаланилади. Унинг ҳар гектаридан тахминан илдизмевасига тенг келадиган миқдорда кўк масса олинади. Палагини кўк ҳолида, қуритилган ва силос ҳолида ишлатса бўлади. Озуқа сифатида бемалол беданинг ўрнини босади.

Бататни ўрганиш жараёнида бу экинга ихлосманд мутахассис билан танишиб қолдик. У Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти ўсимликшунослик кафедрасининг ассистенти Борис Владимирович Борисов бўлиб, тўрт йилдан буён батат билан бевосита шуғулланиб келар экан.

Борис Владимировичдан кўп нарсаларни билиб олдик. Унинг маълумот беришига қараганда, батат бир қатор капиталистик мамлакатларда кенг майдонларга экилиб, мўл ҳосил олиниб келинаяпти. «Ширин картошка» деб ҳам аталувчи бу экин хом ашёсидан америкаликлар ун янчиб, турли юқори калорияли кондитер маҳсулотлари тайёрлашда кенг қўлланиб келишади. Натижада ҳар йили бундай маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган ун 25—30 процент миқдорида тежаб қолинади. Боз устига кулинария маҳсулотлари тайёрлашда шакар қўшилмайди. Чунки батат таркибида углеводлар кўп бўлиб, шакарни ишлатишга ҳожат қолмайди.

Бататнинг республикамиздаги «таржимаи ҳоли» энди бошланаяпти. Б. В. Борисов ташаббуси билан Нарпай районидаги Ленин номли, Ургут районидаги Крупская номли, Ильич номли колхозларда тажриба тариқасида экилиб, ундан яхшигина ҳосил олинаётир. Ильич номли колхозда бу борада амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор. Янги экин ҳосили болалар боғчаларига берилиб, таомлар ранг-баранглиги таъминланмоқда.

Батат қишда сақлашга ҳам қулай. У етти-ўн кун селгитилиб, махсус омборларда ёки сўкчакларда мўътадил ҳароратда сақланса, бир ярим йил давомида атиги тўрт процентигина чиқитга чиқади, холос.

— Бататни республикамизда кенг майдонларга экиб кўпайтириш мумкинми? — мурожаат қиламиз Борисовга.

— Албатта мумкин, — жавоб берди олим.

— Бунинг учун ишни нимадан бошлаган маъқул?

— Аввал икки нарсани ҳал қилмоқ лозим. Биринчидан, уруғлик билан жиддий шуғулланиш талаб этилади. Иккинчидан, бататни экинлар оборотига киритиш ва давлат харидини ташкил этиш керак.

Бататни етиштириш хўжаликларга қанчага тушишини иқтисодчилар ҳисоблаб чиқишар. Лекин Борис Владимировичнинг ҳисоб-китобларига қараганда бататнинг таннархи картошка таннархидан қимматга тушмайди.

**О. ТИЛОВБЕРДИЕВ.**

## ОШКОРАЛИК КЎЗГУСИДА

# ОҚИБАТЛИ БЎЛИНГ, АЗИЗ ОДАМЛАР!

**«Инсондаги ҳамма нарса инсон учун»**
**М. ГОРЬКИЙ.**

...Халқ депутатлари «Когон» қишлоқ Совети ижроия комитети раиси С. Неъматов кабинетидамиз. Эшикдан ўттиз ёшлардаги барваста йигит узр сўраб кириб келди.

— Кечирасиз, раис ака, арз билан келдим. «Когон» совхози 5-бўлимининг Хонзи қишлоғиданман. Ота-онам ва оилали икки акам билан бир ҳовлида турамиз. Яқинда уйландим. Бироқ куёвликнинг ширин дамлари узоққа бормади. Мустақил бўлишим хонадонимиз тинчини бузди. Акаларим уй-жой талашиб мен билан жанжал кўтарадиган одат чиқаришди. Янгаларим ҳам қўл қовуштириб турганлари йўқ: эрларини гиж-гижлатавериб, ака-укалар муштлашишгача бордик. Ҳаловат йўқолди. Ёрдам беринг, бошқа жойдан ер ажратишсин, уй қуриб кўчиб ўтаман.

Раис бироз насиҳат қилди ва бориб жанжални бартараф этишга кўмаклашишни ваъда бериб йигитни жўнатди.

— Ҳар куни аҳвол шу,— дейди С. Неъматов афсус билан бош чайқаб, — эр-хотинлар машмашасини қўяверинг, асосий иш вақтимиз тоға-жиян, ака-укалар, қўни-қўшниларнинг ўзаро жанжалини муҳокама қилишга кетаяпти. Уларнинг аксарияти «томорқамни сувга бостирди», «товуғи ҳовлига ўтди», «боласи боламни урди» деган арзимас ғиди-биди туфайли бир-бировларини ҳақоратлаб, бошларини уриб ёришдан ҳам тоймаяптилар. Шикоятбозликдан эса уялмайдилар. Рўзғорида камчилиги йўқ. Нима етмайди уларга? Ҳайронсан киши. Ёки тўқликка шўхликми?

...Раиснинг куюнганича бор. Февралнинг серёғин кунларидан бири. Укам билан райондаги «Бухоро» совхозига кета туриб, «Ўбачўли» қишлоғи яқинида машинамиз лойга тиқилиб қолди. Ҳайрият, қишлоқ яқин экан, бировдан илтимос, қиламиз, ёрдамлашади, деб ўйладим. Кўча муюлишидаги қўш дарвоза қаршисида савлат тўкиб турган тракторни кўриб ҳовли эгасини чақирдим. Уйдан эринибгина шоп мўйловли ёш йигит чиқди.

— Ҳа, хизмат?

—Ака, эллик метр нарида машинамиз лойга ботиб қолди, тракторда тортиб берсангиз, илтимос.

— Ҳимм... Тракторимнинг аккумулятори ишламайди. Яхшиси, Саид акадан сўранг. Ҳув, ана уйлари, — қўли билан қўшни ҳовлига ишора қилди у.

Саид ака Жума акага Жума ака Йўлдошга, Йўлдош ўз навбатида Жўра акага жўнатди. Хуллас, бутун бир қишлоқдан битта инсофли шофёр ёки тракторчи топилмади. Кеч кирди. Атроф қоронғилашди. Эшикма-эшик юриб ҳолдан тойдик. Ноилож, район марказидан йўловчи машина ёллаб келишга мажбур бўлдик.

...Командировкадан қайтаяпман. Тошкентнинг жанубий вокзали. Перронда тумонат одам. Нима гаплигини билишга қизиқиб, оломон томон йўналдим. Совуқ асфальтда ёш бир жувон юз тубан беҳуш ётибди. Атрофини юзлаб йўловчилар ўраб олишган.

— Бечора, йўловчи экан, касал бўлиб қолган чоғи, ишқилиб ўлиб қолмасин-да, — дея одамлар ачиниб, бош чайқашади. Лекин ҳеч ким унга яқинлашишга, ёрдам кўрсатишга журъат этолмайди.

Ниҳоят, битта мард топилди шекилли:

— Нега қараб турибмиз, биродарлар, «Тез ёрдам» чақириш керак, — деди халойиққа мурожаат қилиб.

Унга жавобан биров гап қотди:

— Эсингизни еганмисиз? Аёлни эҳтимол ўғрилар талаб кетишгандир. Бир камимиз судма-суд юриб «допрос» беришми? Ортиқча даҳмаза кимга керак?

Одамлар ҳушёр тортишди. Ҳамма тарқалиб кетди.

...Уюб ака II группа инвалиди. «Бухоро» совхози тўртинчи бўлимидаги Қизил Аскар қишлоғида истиқомат қилади. Оиласида вояга етмаган ёлғиз қизидан бошқа ҳеч кими йўқ. Совхознинг икки хонали уйида туради. Ёзда қўли калталик қилиб уйни ремонтдан чиқара олмади. Энди тўртта ёмғир тушса ҳам уй ичкарисига чакка бўлиб томади. Қизи ёш, ўзи меҳнатга яроқсиз. Томни тузатиб беришни сўраб совхоз маъмуриятига бир неча бор мурожаат қилди. Ногирон ҳолида райондаги турли идоралардан нажот қидирди.

Биз Уюб ака яшаётган бригаданинг бошлиғи Қ. Юсуповдан:

— Қишлоқ аҳлини йиғиб томни суваб бериш ҳеч гап эмас-ку, нега ёрдамлашмайсиз? — деб сўрадик.

— Уюбнинг бригадага бир чақалик фойдаси тегмайди. Нега биз унинг томини сувабберарканмиз? —деди у дабдурустдан писанда қилиб.

Мана бир кичик коллектив раҳбарининг жавоби! Унинг назарида кимнинг қўлидан иш келса, ўша қадрли. Раҳбар сифатида ҳам, инсон сифатида ҳам инвалид тақдири уни қизиқтирмайди. Дарвоқе, Уюб Бадалов шу қишлоқда ўсиб-улғайган. Тенгқур оғайнилари, акаси Турсун, тоғни урса талқон қиладиган норғул жиянлари бор. Аммо бирови ёрдам қўлини чўзай демайди. Ҳамма ўз-ўзидан ортмас эмиш. Бу ўта худбинлик, оқибатсизлик нишонаси эмасми?!

Кундалик турмуш икир-чикирлари бўлиб кўринган воқеалар замирида, шубҳасиз, социал муаммолар мавжуд. Дориломон замон, ҳаётимиз гўзал. Бировнинг бировга муҳтожлиги йўқ. Фақат меҳр-оқибат камаймоқда, дейишади баъзан кексаларимиз, куюниб. Юқоридаги «икир-чикирлар» шундан далолат эмасмикан? Кишилар азалдан қайғули кунларда ҳам, қувончли дамларида ҳам бир-бирларига ҳамдард, ҳамнафас бўлиб келганлар. Эрта тонгдан қоронғи кечгача кетмон уриб, оғир меҳнатдан сўнг дўст-биродарлар кўнглини сўрашга, муҳтожларга кўмаклашишга доимо вақт топишган. Эндиликда кўпинча маърака-мавридга, ҳатто таъзияга боришга вақт ажратолмаймиз. Давлат хизматини баҳона қиламиз.

Бир-бирига ҳурмат, меҳр-шафқат, ғамхўрлик — инсон фазилати. Нега энди одам одамга дўст, ўртоқ ва биродар деган ажойиб ахлоқий қоида қарор топган гўзал, инсонпарвар жамиятда, яшаб туриб гоҳо атрофимиздагиларга лоқайд бўламиз? Шу ўринда К. Маркснинг «Агар инсон фақат ўзи учунгина яшаса, у ҳеч қачон мукаммал инсон бўла олмайди», деган доно сўзларини эслаш кифоя. Дарҳақиқат, жамият манфаатини ўз шахсий манфаатидан устун қўя билиш, қадр-қиммат, ҳурмат-иззат, кишиларга ғамхўрлик инсоний муносабатларимиз моҳиятидир. Чин инсон умр бўйи ўзгалар ташвиши билан яшайди, одамлар ҳаётида юз бераётган аччиқ-чучук воқеаларга, бахтсизликларга нисбатан ҳеч қачон бефарқ бўлмайди. Ана шундай кишиларга тақлид қилайлик, оқибатли бўлайлик!

**Қ. БАҚОЕВ,**
**журналист.**

## ЮК МАШИНАЛАРИГА ҲОЖАТ ҚОЛМАДИ

Ғузор норуда материаллар конида табиий ресурслардан анча самарали фойдалана бошладилар. Бу ерда уч километрлик темир йўл шохобчаси қурилди.

Энди кондан қазиб олинган шағал, қум ва шу каби қурилиш материаллари автомашиналар ёрдамисиз ташилади. Қашқадарёдек гуркираб ривожланаётган қўриқ ўлка учун бу коннинг аҳамияти катта. Қарши аэропорти, Ғузор — Қарши — Бухоро автомобиль йўли қурилишида, Ленин номли Катта Ўзбек трактини реконструкция қилишда ана шу кон маҳсулотидан фойдаланилди. Шу кунларда Қарши қўриғи иккинчи навбатини ўзлаштираётган коллективларга жуда кўплаб қурилиш материаллари керак бўлмоқда. Темир йўл шохобчаси янги районлардаги қурилишларни материал билан таъминлашни кескин яхшилашга ёрдам беради.

